

Шунинг учун ҳам бирор оятнинг сабаби нузули ҳақида ушбу оятларнинг нозил бўлишига бевосита гувоҳ бўлган, нозил бўлиш сабабларини билган, унинг илмини баҳс қилган зотлардангина тўғри йўл билан нақл қилиш мумкин.

Шунга биноан, сабаби нузул саҳобийдан нақл қилинган бўлса, бошқа ривоят билан тасдиқланган бўлмаса ҳам, қабул қилинаверади. Чунки саҳобийдан ривоят қилинган нарса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган нарсанинг ҳукмидадир. Зотан, бу каби нозик масалаларда саҳобийлар ўзларича бир гап айтмайдилар. Улар бу борада фақат эшитган, кўрган, ҳозир бўлган ва тасдиқланган нарсаларнигина гапирадилар.

Агар сабаби нузул ҳақида мурсал (яъни санадида саҳобий тушиб қолган) хабар нақл қилинса, уни бошқа бир мурсал қувватласагина ва уни Мужоҳид, Икрима ва Саъид ибн Жубайрга ўхшаш катта олим, муфассир тобеъинлар ривоят қилсагина, қабул қилинади.

«Қуръон илмлари» китобидан